

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВ ШАМШОДБЕК ШУХРАТОВИЧ

БОЛАЛАР ПАСТКИ ЖАҒИНИ СИНИШИДА ЖАҒЛАР
ИММОБИЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ СОЛИШТИРМА БАҲОЛАШ

14.00.21 – Стоматология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мусаев Шамшодбек Шухратович

Болалар пастки жағини синишида жағлар иммобилизация усулларини солиштирма баҳолаш..... 3

Мусаев Шамшодбек Шухратович

Сравнительная оценка методов иммобилизации челюстей при переломах нижней челюсти у детей 22

Musaev Shamshodbek Shukhratovich

Comparative evaluation of jaw immobilization methods for mandibular fractures in children 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУСАЕВ ШАМШОДБЕК ШУХРАТОВИЧ

**БОЛАЛАР ПАСТКИ ЖАҒИНИ СИНИШИДА ЖАҒЛАР
ИММОБИЛИЗАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ СОЛИШТИРМА БАҲОЛАШ**

14.00.21 – Стоматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Tib774 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsdi.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шомуродов Кахрамон Эркинович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Фоменко Ирина Валерьевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Боймуратов Шухрат Абдужалилович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Кубань давлат тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047 Тошкент, Яшнабод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел/факс: (+99871) 230-20-65, (+99871) 230-47-99)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.К. Хайдаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

Л.Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

У.А. Шукурова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда юз-жағ соҳасидаги жароҳатларни даволаш стоматологиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Маълумки, болаларда пастки жағнинг синишлари ва уларнинг асоратлари ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Адабиётлардаги маълумотларга кўра, «...болаларда пастки жағ синишларининг ўзига хос хусусиятлари – “яшил новда” шаклида синишларнинг кузатилиши, суяк усти пардасининг қалинлиги сабабли синиқ бўлаклари силжишининг минимал даражадалиги, болалар ёшида пастки жағдаги ўсиш нуқталарининг зарарланиш хавфи борлиги туфайли, даволашнинг жарроҳлик усули камдан-кам ва қатъий кўрсатмалар асосида қўлланилиши, сут тишлари анатомик бўйин соҳаси тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, шиналардан фойдаланишдаги ноқулайликлар ҳисобланади...»¹. Йилдан-йилга травматик жароҳатлар учраш даражаси ва даволашдан кейинги асоратлар кўрсаткичлари бутун дунёда кескин ошиб бормоқда, бу ўз навбатида даволаш ҳамда асоратларнинг олдини олиш усуллари такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Дунёда сўнгги йилларда йўл-транспорт ҳодисалари, болалар майдончалари ва ғилдиракли учиб мосламаларининг қўпайганлиги туфайли, юз-жағ соҳасидаги шикастланишлар оғирлик даражасининг ошиш тенденцияси кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда юз-жағ соҳасидаги жароҳатлар билан мурожаат қилувчи беморлар стационарларда даволанаётган беморлар сонининг 30% ни ташкил қилади. Россиялик тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, болаларнинг юз-жағ соҳасидаги шикастланишлари ҳар 1000 нафар боладан 10 тасида кузатилмоқда (Корсак А.К., 2007; Иванова М.С., Александрова Е.Г., 2018). Болалар орасида травматик жароҳатларнинг учраш даражаси ва даволашдан кейинги асоратларнинг ортиб бориши, ушбу патологияли беморларни даволашнинг замонавий, кам жароҳатли ва самарадор усуллари ишлаб чиқиш; болалар орасидаги травматик жароҳатларнинг олдини олиш; жароҳатларни даволаш давридаги ва даволашдан кейинги кузатиладиган асоратларнинг профилактикасини амалга ошириш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Болаларда паски жағнинг синишларини даволаш ва асоратларнинг хавф омилларини, хусусан пародонт тўқималарининг яллиғланиш касалликларини олдини олиш усуллари такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар бажарилмоқда. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, тиббий хизматлар сифатини янги босқичга кўтаришда «... ихтисослаштирилган тиббий хизматлар қулайлиги ва сифатини яхшилаш, шошилиш ва тез тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш,

¹ Корсак, А.К., Кушнер, А.Н., Терехова, Т.Н., Зенькевич, Ю.В. Детская хирургическая стоматология // Минск: 2013, С.528

ногиронликнинг олдини олиш ...»² каби бир қатор вазифалар белгиланган. Бу ўз навбатида болаларда пастки жағ синишларини даволашда пародонт тўқималарини кам жароҳатловчи иммобилизация усуллари амалиётга жорий этиш ва болаларда пародонт тўқималари яллиғланиш касалликларининг олдини олишни долзарб илмий йўналишлардан бири эканлигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Давлат дастурида, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг турли мамлакатларидаги олимларнинг маълумотларига кўра, болаларда юз-жағ соҳасидаги механик шикастланишлар орасида асосан маиший жароҳатлар 56-79% ни, кам ҳолларда кўча жароҳатлари 5-18% ни ва транспорт 3-17% ни, спорт жароҳатлари тахминан 4-6% ни ташкил этади (Корсак А.К., 2013). Пастки жағ синишларининг учраш даражаси бўйича яллиғланиш касалликларидан кейин иккинчи ўринда туради ва ётиб даволанишни талаб қиладиган барча шошилиш беморларнинг 25% ини ташкил қилади (Семенов М.Г., Васильев А.В., 2000). Муаллифларнинг маълумотларига кўра, пастки жағ синишлари юз скелети суякларининг синишлари орасида биринчи ўринда туради ва барча синишларнинг 70-90% ини ташкил қилади (Якубов Р.К., Файзиев Б.Р., 2012). Комплекс даволашнинг доимий равишда такомиллаштирилишига қарамасдан, пастки жағ синишларидаги асоратларнинг учраш частотаси 10% дан 41% гача кузатилиши мавжуд даволаш усуллари самарадорлигининг етарли даражада эмаслигини кўрсатади (Магомедгаджиев Б.Г., 2008; Мубаркова Л.Н., 2008; Мирсаева Ф.З., Изосимов А.А., 2009).

Ҳозирги кунда пастки жағ синишларини даволашнинг консерватив усулларида тишларга маҳкамланадиган шиналар билан иммобилизация қилиш амалиётга кенг қўлланилиб келинмоқда. Ушбу усул ўзининг афзалликлари билан бирга, қатор камчиликларга ҳам эга бўлиб, улардан: пародонт тўқималарига салбий таъсири, оғиз бўшлиғи гигиенаси ва беморларнинг ҳаёт сифатининг сезиларли пасайиши кабилар даволаш амалиётида кўп учрайди. Жағларга

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

маҳкамланадиган симли шиналар тақилганда оғиз бўшлиғининг профессионал ва индивидуал гигиенасини амалга ошириш қийинлашади (Лепилин А.В., Ерокина Н.Л. и др., 2008; Медведев Ю.А., 2012; Загорский В.А., 2016; Боймуратов Ш.А., 2016; Зоиров Т.Э., Бобамуратова Д.Т., 2019). Оғиз бўшлиғи гигиенаси бузилишининг этиологик факторларига узок муддатли жағлар иммобилизацияси сабабли юзага келадиган сўлак безлари гипофункцияси ва пастки жағ ҳаракатларининг чекланиши кабилар киради ва бу ўз навбатида оғиз бўшлиғи ва тишларнинг физиологик ўз-ўзини тозалаш функциясини сусайтиради ҳамда кўпгина кўшимча ретенцион нуқталар пайдо бўлиши ва уларда озиқ-овқат қолдиқлари йиғилиб қолиши патоген микроорганизмлар ривожланиши учун қулай муҳит яратади. Шу нуқтаи назардан, оғиз гигиенаси жағ синиши билан оғриган беморларни даволашда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади (Васильев А.В., 2001; Якубов Р.К., Файзиев Б.Р., 2012).

Шундай қилиб, пастки жағ синишининг болаларда кўп учраши, синик бўлаклари силжиш даражаси ва ҳаракатчанлигининг пастлиги ёки умуман кузатилмаслиги, анъанавий иммобилизация усулида пародонт тўқималари яллиғланиш касалликларининг тез-тез учраши иммобилизациянинг замонавий, кам жароҳатли ва самарадор усулларини ишлаб чиқиш заруратини туғдиради. Бу, ўз навбатида, пастки жағи синган болаларни даволашга бағишланган ушбу илмий тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 01190023 «Ташқи муҳит омиллари таъсирини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси нуқсонлари, деформациялари, яллиғланиш жараёнлари ва жароҳатлари, ўсмалари бўлган беморларни ташхислаш, даволаш ва реабилитациясига замонавий ёндашувларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2020-2024 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болалар пастки жағини синишларида синик бўлаклари иммобилизацияси турли хил усулларининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш ва пародонт тўқималарининг анатомо-функционал хусусиятларини сақлашга имкон берадиган конструкцияни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда пастки жағ синишларининг учраш частотасини уларнинг жойлашуви ва оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилиш;

болалар пастки жағининг синишларини даволашда турли хил иммобилизация ва фиксация усулларини оғиз бўшлиғининг стоматологик кўрсаткичлари ва пародонт тўқималарининг микроциркуляцияси ҳолатига таъсирини қиёсий баҳолаш;

танланган иммобилизация усулига кўра суяк тўқимасининг метаболизми ҳолати ва синиш соҳасидаги суяк зичлиги даражасининг қиёсий таҳлилинини ўтказиш;

болалар пастки жағининг синишларини комплекс даволашда пародонт тўқимасининг яллиғланиш касалликларини олдини олиш мақсадида

иммобилизациянинг атравматик усулини ўз ичига олган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2018-2020 йиллар мобайнида Тошкент давлат стоматология институти клиникаси болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида пастки жағининг синиши сабабли стационар шароитда даволанган 3-18 ёшдаги 92 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида симли шиналар, пародонт тўқималари, қон зардоби, нурда қотувчи композит пломба ашёлари, титанли мини винтлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда рентгенологик, клиник-стоматологик, биокимёвий ва статистик текшириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тишларга маҳкамланадиган шиналарни нурда қотувчи композит пломба ашёлари ёрдамида фиксация қилишнинг атравматик усули ишлаб чиқилган;

турли хил иммобилизация усуллари пародонт тўқималарининг микроциркуляцияси ва стоматологик индексларга таъсири қиёсий баҳолашиб, улар орасидаги боғлиқлик аниқланган;

болалар пастки жағининг синишларида суяк метаболизми маркерлари ва кальций алмашинувини бошқарувчи гормонлар концентрациясининг ўзгаришлари иммобилизация усуллари ва пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларининг оғирлик даражасига узвий боғлиқлиги исботланган;

болалар пастки жағининг синишларини даволашда таклиф қилинган иммобилизация усуллари пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларининг камайиши ва синиш соҳасидаги ультратовушли острометрия кўрсаткичлари асосида суяк зичлигининг ортиши ҳисобидан асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар пастки жағининг синишларини даволашда таклиф қилинган атравматик иммобилизация усулининг қўлланилиши пародонт тўқималаридаги яллиғланиш асоратларининг ривожланишини олдини олиш ва пародонт тўқималарига салбий таъсирини камайтириш имконини берган;

пастки жағ суяги синишларини консерватив даволашда таклиф қилинган иммобилизация усуллари анъанавий иммобилизация усулига нисбатан маҳаллий ҳамда умумий кўрсаткичларга салбий таъсири сезиларли даражада паст эканлиги ҳисобига оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасининг ошишига, пародонт тўқималарининг микроциркуляцияси ва суяк метаболизми ҳолатининг яхшиланишига имкон берган;

таклиф қилинган иммобилизация усуллари қўллаш пародонт тўқималарининг анатомо-функционал бутунлигини сақлаб қолишга имкон берган ва асоратларнинг олди олиниши ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи рентгенологик, клиник-стоматологик ва

лаборатор текшириш натижалари статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, пастки жағ синишларида болаларнинг стоматологик статуси ва пародонт тўқималари яллиғланиш касалликларининг профилактик чоратадбирлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олиб борилган текширишлар натижасида олинган маълумотлар клиник-лаборатор тадқиқотлар кўрсаткичларининг яхшиланиши орқали таклиф қилинган усулларнинг қўлланилишини асослаган ва уларнинг болаларда пастки жағ синишларини даволаш самарадорлиги иммобилизация усулларига боғлиқлигини кўрсатганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, пародонт тўқималари мажмуаси яллиғланиш касалликларининг профилактикаси, иммобилизацияловчи конструкцияларнинг салбий таъсирини камайтириш ва антисептик воситалар билан D витаминини биргаликда қўллаш орқали оғиз бўшлиғи гигиенасининг ҳолатини яхшиланиши пародонт тўқималарининг микроциркуляциясини ва суяк метаболизмнинг ҳолатини яхшиланишига, синиқ бўлақлари консолидацияси сифати ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишига имкон бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Таклиф этилган иммобилизация усуллари ёрдамида пастки жағ синишларини даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болалар учун ишлаб чиқарилган LISTERINE® «Детский» оғиз чайиш воситасини D витамини билан биргаликда қўллашга йўналтирилган илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болалар жағларининг жароҳатларида витаминлар мажмуаси билан биргаликда антисептикларни қўллаш орқали пародонт яллиғланиш касалликларининг олдини олиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-р/648-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома болалар пастки жағининг синишларида қўлланиладиган анъанавий иммобилизация усулининг даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

болалар пастки жағининг синишларида иммобилизацияни амалга ошириш мақсадида мини винтлардан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган «Болалар пастки жағининг синишларида синиқ бўлақларини иммобилизация қилиш мақсадида суяк ичи имплантларидан фойдаланиш» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 26 июлдаги 8н-р/647-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсияномада пастки жағ синишларини даволашда пародонт тўқималарининг бутунлигини сақлаб қолиш ва пародонтал комплекс тўқималарига етказиладиган жароҳатни минималлаштириш орқали улардаги яллиғланиш жараёнларининг олдини олиш имкониятлари баён қилинган. Бундан ташқари, иммобилизацияловчи конструкциялар юзасининг кичиклиги тиш карашлари ва чўкмаларининг тўпланишига ҳамда

микроорганизмларнинг кўпайишига йўл қўймаслиги оқибатида оғиз бўшлиғи гигиенаси бузилишининг олдини олиш имконини берган;

олинган илмий натижалар ва ишлаб чиқилган усуллар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ва Тошкент шаҳар 7-сон клиник касалхонаси амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 6 августдаги 8н-з/264-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши даволашдан кейинги қисқа ва узоқ муддатларда асоратлар сонини ҳамда пародонтит ва тиш кариеси каби иккиламчи патологиялар юзага келиш хавфини камайишига, шунингдек, болаларда пастки жағ синишларини даволаш сифатининг яхшиланиши имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигини, мақсади ва вазифаларини асослайди, ўрганиш объекти ва мавзусини тавсифлайди. Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва ишнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **«Болалар пастки жағини синишларида жағлар имобилизацияси усулларини солиштирма баҳолашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида болалардаги пастки жағ синиши этиологияси, таснифлари, тарқалиш частотаси, клиникаси, даволаш усуллари ва реабилитация чоралари ҳақида илмий ҳамда амалий маълумотлар келтирилган. Ташхислаш ва даволашнинг мавжуд усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари тасвирланган. Қўшимча тадқиқотларни талаб қиладиган мунозарали масалалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалар пастки жағини синишида жағлар имобилизация усулларини солиштирма баҳолашнинг материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материалларининг хусусиятлари, шу жумладан клиник материалнинг умумий хусусиятлари, аниқлаш усули, бажарилган жарроҳлик аралашувининг самарадорлиги мезонлари, клиник, рентгенологик ва лаборатор тадқиқот усулларининг тавсифлари тасвирланган.

Ретроспектив таҳлил ўтказиш мақсадида 2016-2018 йиллар мобайнида Тошкент давлат стоматология институти (ТДСИ) клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимининг архив материалларидан олинган маълумотлар таҳлил қилинди ва пастки жағ синишлари билан даволанган 327 бемор болаларнинг касаллик тарихлари ўрганиб чиқилди. Қуйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: чиқарилган беморлар сони, ЮЖС шикастланишларининг тузилиши ва локализацияси, пастки жағ синиши билан мурожаат қилганлар сони, имобилизациядан кейинги асоратлар сони, пастки жағ синиши билан мурожаат қилган беморларнинг ўртача ётоқ куни.

Барча беморлар ТДСИ клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимида мурожаат бўйича текширилган. 2018 йилдан 2020 йилгача бўлган давр мобайнида пастки жағ тана соҳасида синиши бўлган ва стационар даволанишга муҳтож бўлган 92 бола текширилди, шундан 65,3% ўғил болалар ва 34,7% қизлар бўлди (1-расм). Барча болалар ёши 3 ёшдан 18 ёшгача ташкил этди. Имобилизация усулига қараб, барча беморлар қуйидаги гуруҳларга бўлинди: **1 гуруҳ** - иккала жағ тишларига маҳкамланадиган Тигерштедт шиналари билан имобилизация - 26 бемор; **2 гуруҳ** - иккала жағ тишларига маҳкамланадиган Тигерштедт шиналари билан имобилизация қилинган ва LISTERINE® «Детский» оғиз чайиш воситаси ҳамда D витамини қўлланилган - 24 бемор; **3 гуруҳ** - Композит пломба материаллари билан маҳкамланган симли шиналар билан имобилизация - 20 та

бемор (2-расм); 4 гуруҳ - мини винтлар билан иммобилизация қилинган - 22 та бемор.



1-расм. Пастки жағ синиши мавжуд текширилган беморларнинг жинси ва ёши бўйича тақсимланиши

Ташхис қўйиш ва пастки жағ синишлари (ПЖС) мавжуд болаларни даволаш тактикасини аниқлаш учун панорам томография (ортопантомография) ҳамда зарурат бўлганда МСКТ усуллари қўлланилди.

Мини винтларни ўрнатиш зоналарини, бўлакларнинг силжишининг характерини ва юқори жағда бўлиши мумкин бўлган патологияларни аниқлаш учун ПЖС мавжуд бемор болаларда «Orthophos» SL 3D («Sirona Dental Systems» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган, Германия) дентал томографида рентгенологик текширувлар ўтказилган.

Оғиз бўшлиғининг гигиенаси даражаси Федоров-Володкина гигиена индекси (ФВГИ) орқали, милк яллиғланишининг интенсивлиги папилляр-маргинал-алвеоляр индекс (РМА) ёрдамида, пародонт тўқималарининг ҳолати 8 балли пародонтал индекс (ПИ) ёрдамида баҳоланди (A.L. Russel).

Репаратив регенерация даражасини аниқлаш ва турли хил иммобилизация усуллари кийсий баҳолаш мақсадида ултратовушли остеометрия усули қўлланилди. Ультратовушли остеометрия «Эхоостеометр ЭОМ-02» (Россия) ултратовушли суяк денситометри ёрдамида амалга оширилди, у 1,2 МГц частотали ултратовуш тўлқинларини юборишнинг импульсли усули ва 2 пьезосенсор - ултратовушли диагностик наконечниклар ёрдамида амалга оширилди.

Пародонт тўқималарининг микроциркуляцияси параметрларини аниқлашда лазерли доплер флоуметрия усулида ЛАКК-02 анализатори (НПП «Лазма», Россия) қўлланилди. У 0,3 см кўндаланг кесимдаги 3 каналли нурли кабел ва акс эттирилган фото сигнални фотодетекторга узатувчи иккита ёруғлик қурилмаси билан жиҳозланган бўлиб, тўлқин узунлиги 0,63 мкм бўлган лазер нурланишини ўрганилган юзаларга (маргинал ва алвеоляр тиш гўшти ва тиш тишларининг бириктирувчи зонаси) йўналтиради.



2-расм. Тишларга тақиладиган шиналарни композит пломба ашёлари ёрдамида маҳкамлаш орқали иммобилизация қилиш усули.

Пастки жағ синишлари мавжуд болаларда суяк метаболизми ҳолатини баҳолаш учун қон зардобдаги қуйидаги кўрсаткичлар танланган: калцийни тартибга солувчи гормонлар (паратиреоид гормони, калцитонин) даражаси; суяк ремоделланиши маркерлари - остеокалцин, кортизол даражаси, ишқорий фосфатаза фаоллиги, ионланган калций (Ca^{+2}) ва ноорганик фосфор P.

Тадқиқот учун қон намунаси кубитал венадан эрталаб оч қоринга олинди. Суяк метаболизмининг барча биокимёвий параметрлари «IMMULITE 2000» (Siemens Healthcare Diagnostics Inc., АҚШ) автоматик анализаторида қаттиқ фазали хемилюминесцент иммуноанализ усулида махсус реагентлар тўплами ёрдамида аниқланди.

Олинган маълумотларга ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), стандарт хатолик (m) ва нисбий қийматларни (частота, %) ҳисоблаш билан статистик таҳлил дастурлари тўплами ёрдамида статистик ишлов берилди. Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар сифатида $p < 0,05$ ишончлилиқ даражаси қабул қилинди.


Диссертациянинг «**Болалар пастки жағининг синишларини ретроспектив таҳлили ва даволашнинг турли хил иммобилизация усулларида стоматологик ҳолатни клиник баҳолаш натижалари**» деб номланган учинчи бобида архив материаллари маълумотларига асосланган ретроспектив тадқиқотлар натижалари, текширилган болаларнинг оғиз бўшлиғи гигиенаси ва пародонт тўқималарининг ҳолати стоматологик индекслар орқали клиник баҳолаш кўрсаткичлари, пастки жағ бўлакларини иммобилизациялашнинг турли усуллари кўллаш ва пастки жағ синиши бўлган болаларни даволаш комплексига D витамини билан биргаликда оғиз бўшлиғи учун антисептикларни кўллашдан кейинги натижалар баён қилинган.

Пастки жағнинг синиши сабабли даволанган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларнинг жами 327 та касаллик тарихи ўрганиб чиқилган.

Ўрганилган давр мобайнида жароҳатланганлар орасида пастки жағ синиши бўлган беморларнинг улуши 49,6%ни ташкил этди. Беморларнинг ётоқ кунини ўртача давомийлиги 5,2 кун. Жароҳатлар орасида пастки жағ синиши устунлик қилган. Пастки жағнинг барча турдаги синишларидан 129 та ҳолатда (39,5%) икки томонлама синиш қайд этилган. 108 та ҳолатда (33,0%) синишлар чап томонда, 90 (27,5%) ҳолларда ўнг томонда бўлган.

Болаларда пастки жағ синишларини даволашда турли усуллар қўлланилган. Шу жумладан, 270 (82,6%) ҳолатда жағлар Тигерштедт шинаси ёрдамида, 15 (4,6%) ҳолатда силлиқ шина (скоба), 39 (11,9%) ҳолатда остеосинтез, 3 (0,9%) ҳолатда Айви усулида иммобилизация тури қўлланилган. Беморларнинг жинси бўйича нисбати қуйидагича бўлган: болаларда пастки жағнинг синишининг энг юқори фоизи ўғил болаларда қайд этилган - 283 (86,6%) ҳолатда, қизларда - 44 (13,4%) ҳолатда кузатилган.

Ўрганилган давр мобайнида пастки жағ синишларининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши 10,2% га (2016 йилда 44,2%, 2017 йилда 50,1%, 2018 йилда 54,4%) кузатилганлиги аниқланган (3 -расм).



3-расм. Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, 2016-2018 йилларда пастки жағ синишларининг ўсиш динамикаси

Шундай қилиб, уч йил давомида ТДСИ клиникасининг болалар юз-жағ жарроҳлиги бўлимига ётқизилган барча беморлар орасида ЮЖС органлари шикастланган болаларнинг улуши доимий равишда юқори бўлган. ЮЖС жароҳатлари орасида энг юқори кўрсаткич пастки жағнинг синишларида (49,6%) қайд этилган. 2016-2018 йиллар мобайнида пастки жағининг синиши билан мурожаат қилган болаларнинг 10,2% га ўсиши кузатилганлиги бу тоифадаги беморларга ихтисослаштирилган ёрдамни яхшилаш ва даволаш самарадорлигини ошириш чораларини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

Барча гуруҳ беморларида оғиз бўшлиғи гигиенаси (ФВГИ), пародонтал индекс (ПИ) ва милкларда яллиғланиш жараёнларининг тарқалганлиги индекси (РМА) бўйича текширишлар ўтказилган. Назорат гуруҳига соғлом (стоматологик патологияси бўлмаган) 3-18 ёшли 16 нафар бола олинган. 1, 3 ва 4-гуруҳдаги барча беморларга фурацилин эритмаси ёрдамида умумий қабул қилинган оғиз гигиенаси схемаси, 2-гуруҳ болаларига эса LISTERINE® «Детский» оғиз чайиш воситаси ва Аквадетрим (витамин D) кунлик 500 МЕ дозада тавсия этилган.

Таdqикотлар натижалари шуни кўрсатдики, қабул қилинганидан кейин ФВГИ барча гуруҳ болаларида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга бўлмади ва $1,9 \pm 0,09$ дан $2,2 \pm 0,13$ баллгача ораликда бўлди. Назорат гуруҳи билан таққослаганда, пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларда оғиз бўшлиғи гигиенаси паст даражада эканлигини аниқланди ($p < 0,05$).

Дастлабки текширувда милклардаги яллиғланиш назорат гуруҳига қараганда барча беморларда сезиларли даражада юқори бўлган ($p < 0,01$). ПИ кўрсаткичлари

гурухлар ўртасида аниқ фарқларга эга бўлмади. Бироқ, назорат гуруҳига нисбатан нисбатан фарқлар аниқланди.

Оғиз бўшлиғининг гигиенасини (ФВГИ) динамикада ўрганиш шуни кўрсатдики, 2, 3, ва 4-гуруҳ беморларида иммобилизациядан икки ҳафта ўтгач ФВГИ ўсиши 1-гуруҳ беморларига қараганда пастроқ бўлди. Кўрсаткичларнинг ўзгариши биринчи гуруҳда $2,2 \pm 0,13$ дан $3,0 \pm 0,18$ баллгача ($p < 0,01$), иккинчи гуруҳда $2,0 \pm 0,08$ дан $2,3 \pm 0,09$ баллгача ($p < 0,01$), учинчи гуруҳда $2,2 \pm 0,05$ дан $2,6 \pm 0,06$ баллгача ($p < 0,01$), тўртинчи гуруҳда $1,9 \pm 0,08$ дан $2,4 \pm 0,09$ баллгача ($p < 0,01$) ташкил этди.

Барча гуруҳ беморларида иммобилизациянинг 14-кундаги текширув вақтида ПИ янада ёмонлашди ва 1-гуруҳ беморларида $1,1 \pm 0,02$ балл, 2-гуруҳда $0,7 \pm 0,03$, 3-гуруҳда $0,6 \pm 0,04$ ва 4-гуруҳда $0,7 \pm 0,06$ балли кўрсаткичга эга бўлди.

Иммобилизацияловчи конструкцияларни ечиш вақтидаги текширув (ёки бир ойдан кейин) барча гуруҳ беморларида оғиз гигиенаси (ФВГИ) даражасининг янада ёмонлашганини кўрсатди. Охириги текширув пайтида гигиена даражасини таққослаш шуни кўрсатдики, гигиенанинг энг ёмон кўрсаткичи Тигерштедт шиналари ёрдамида даволанган 1-гуруҳ беморларида - $3,9 \pm 0,19$ га тенг бўлди. Бошқа гуруҳларда $2,6 \pm 0,09$ (2 -гуруҳ), $2,5 \pm 0,08$ (3-гуруҳ) ва $2,4 \pm 0,07$ балл (4 - гуруҳ) $p < 0,01$ да ташкил этди.

Иммобилизация қилувчи конструкциялар олиб ташланган кундаги ПИ натижалари таҳлил қилинганда барча гуруҳ беморларида дастлабки кўрсаткичларга қараганда ёмонлашув томонга силжиганини кўрсатди. Шу билан бирга, 1-гуруҳ беморларида юқори фарқлар аниқланди ҳамда $0,6 \pm 0,04$ дан $1,4 \pm 0,04$ баллга ўзгарганлиги аниқланди ($p < 0,01$).

Динамикада милклар яллиғланишининг ифодаланганлигини ўрганиш шуни кўрсатдики, даволаниш пайтида яллиғланиш кучайиб, текширувнинг учинчи босқичида (21 кундан кейин) 1 ва 3 гуруҳларда максимал даражага етади, тўртинчи гуруҳда эса тадқиқотнинг иккинчи босқичида. (иммобилизациядан 14 кун ўтгач) бу кўрсаткич ошади. Шу билан бирга, якуний текширувда РМАнинг энг паст кўрсаткичлари 2 ва 4-гуруҳ беморларида аниқланди ва мос равишда - $35,5 \pm 1,55$ ва $36,1 \pm 1,38\%$ ни ташкил этди ($p < 0,05$).



4-расм. Тигерштедт шинасини ечиш кундаги пародонт тўқималарининг ҳолати (1-гуруҳ)

Оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасининг ўзгариши, пародонт тўқималарининг ҳолати ва милк яллиғланишининг оғирлиги дастлабки қийматларга нисбатан (%да) 3 ва 4 -гуруҳларда қўлланилган усулларнинг, шунингдек, Тигерштедт шиналари билан иммобилизация қилишнинг анъанавий усулида LISTERINE® «Детский» оғиз чайиш воситаси ва D витамини (2-гуруҳ) қўллаш анъанавий Тигерштедт шиналари билан иммобилизация қилишга (1-гуруҳ) нисбатан афзаллигини кўрсатди (5 ва 6-расмлар).



5-расм. Тигерштедт шиналари билан бирга LISTERINE® «Детский» ва D витамини қўлланилган 2 гуруҳ болаларида пародонт тўқималарининг ҳолати (иммобилизациянинг 21-куни).

1-гуруҳдаги ФВГИ иммобилизациядан кейин 14 кун ичида 40% га, 2, 3 ва 4-гуруҳларда мос равишда 18, 26 ва 15% га ошди. 30 кундан кейин гуруҳлардаги кўрсаткичлар мос равишда 74, 37, 46 ва 30% га ошди.



А

Б

6-расм. Мини винтлар орқали интермаксилляр иммобилизация усулида пародонт тўқималарининг ҳолати:

А. Иммобилизациянинг 1-куни; Б. Иммобилизацияловчи конструкция ечиб ташлангандан кейин (21-кун).

РМА динамикасида ҳам шунга мос кўрсаткичлар олинди: 1-гуруҳда РМА индекси иммобилизациянинг 14-кунида қайта текширилганда, кўрсаткич бошланғич қийматдан 42% га ошди. 2, 3 ва 4 -гуруҳларда мос равишда - 32, 37 ва 22%га. Конструкциялар олиб ташланганидан кейин 1, 2, 3 ва 4 -гуруҳларда РМА қийматларининг ўсиши мос равишда бошланғич қийматларга нисбатан 76, 57, 49 ва 44%ни ташкил этди.


Диссертациянинг «**Болалар пастки жағининг синишларини турли хил иммобилизация усуллари билан даволашда пародонт тўқималарининг микроциркуляцияси, суяк тўқимаси метаболизми ва суяк зичлиги кўрсаткичларини клиник-лаборатор баҳолаш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобда турли хил иммобилизация усуллари қўлланилиб даволанган болаларда пародонт тўқималарининг микроциркуляциясидаги ўзгаришлар лазерли доплер флоуметрия кўрсаткичлари асосида қиёсий баҳолаш натижалари, қоннинг биокимёвий текширишлари кўрсаткичлари асосида суяк тўқимаси метаболизмининг ҳолати ва ультратовушли остеометрия кўрсаткичлари асосида синиш соҳасидаги суяк тўқимасининг даволашдан олдин ва даволадан кейинги даврдаги зичлигини қиёсий баҳолаш натижалари баён қилинган. Юқоридаги текшириш усуллари кўрсаткичларининг иммобилизация усулининг турига ва пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларининг жадаллигига боғлиқлик механизми баён этилган.

Клиник жиҳатдан соғлом пародонтли болаларда ЛДФграмларни таҳлил қилишда капилляр қон оқимининг қуйидаги кўрсаткичлари аниқланди: микроциркуляция кўрсаткичи 3-5 ёшли болалар гуруҳида $12,7 \pm 1,16$ ш.б., 6-12 ёшли болаларда - $13,23 \pm 1,13$ ш.б. ва 13-18 ёшли болаларда - $11,84 \pm 1,26$ ш.б. (7-расм).

Даволашдан олдин пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларнинг пародонт тўқималарида микроциркуляция параметрларини назорат гуруҳидан олинган тегишли параметрлар билан солиштирганда, статистик жиҳатдан ишонарли ўзгаришлар аниқланди. 7-расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, пастки жағ синиши мавжуд болалар иммобилизациядан олдинги ЛДФ граммасида сезиларли ўзгаришлар мавжуд.

Пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларда микроциркуляция индекси пасайиб, 3-5 ёшда $8,8 \pm 1,12$, 6-12 ёшда $9,7 \pm 1,15$, 13-18 ёшли болаларда $7,62 \pm 1,11$ ни ташкил этди. Олинган микроциркуляция кўрсаткичи қийматлари соғлом болалар ва бемор болаларда бошқа ёш гуруҳларига қараганда 6-12 ёшли болаларда фаолроқ микроциркуляцияни кўрсатди ($p < 0,05$). Ушбу ҳолатни бу ёшдаги болаларда сут тишларини доимий тишлар билан алмашиниш жараёни давом этаётганлиги ва пародонтал комплекс тўқималари янгиланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Тадқиқот давомида пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларда микроциркуляция самарадорлиги индикаторининг ёмонлашуви барча ёш гуруҳларида соғлом болаларга нисбатан 1,2 баробарга пасайганлиги қайд этилди (7-расм).


3-5 ёшли соғлом болаларда стандарт оғиш кўрсаткичи $1,06 \pm 0,03$ ш.б., 6-12 ёшли болаларда $0,94 \pm 0,05$ ш.б., 13-18 ёшли болаларда $1,04 \pm 0,06$ ш.б. га тенг бўлди. Стандарт оғиш кўрсаткичи пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларда пасайишга мойил бўлиб, қуйидаги кўрсаткичларни кўрсатди: 3-5 ёшли болаларда - $0,98 \pm 0,04$, 6-12 ёшда - $0,78 \pm 0,05$, 13-18 ёшда - $0,89 \pm 0,06$. 6-12 ва 13-18 ёшли болаларда сезиларли даражада паст кўрсаткичлар олинди ($p < 0,05$). Перфузиянинг вақтинчалик ўзгарувчанлигини тавсифловчи ушбу параметр, барча частота диапазонларида қон оқимининг ўртача модуляцияси қийматларининг пасайишини кўрсатади.



■ Микроциркуляциянинг самарадорлиги, ш.б. ■ Вариация коэффициенти, %
■ Ўртача квадратик оғиш, ш.б. ■ Микроциркуляция кўрсаткичи, ш.б.

7-расм. Соғлом ва пастки жағи синган болаларда пародонт тўқимаси микроциркуляциясининг иммобилизациядан олдинги ҳолати (n=108)

Тўқималар қон оқимининг қон оқими модуляциясига умумий боғлиқлигини акс эттирувчи ўзгарувчанлик коэффициенти, текширувлар натижаларига кўра, пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларда энг юқори кўрсаткични акс эттирди. Соғлом болалар гуруҳидаги капиллярларнинг вазомотор фаоллиги соғлом болалар гуруҳида ёш гуруҳларига мос равишда $6,64\% \pm 0,42$, $7,65\% \pm 0,44$, $6,95\% \pm 0,41$ п.б., пастки жағ синиши мавжуд бўлган болалар гуруҳида $8,49\% \pm 0,55$, $9,63\% \pm 0,48$, $8,75\% \pm 0,38$ ни ташкил этди ($p < 0,05$). Шундай қилиб, болаларда пастки жағ синишларини турли хил иммобилизация усуллари билан даволашда ЛДФ маълумотларига кўра микроциркуляция индексларининг динамикасида статистик аҳамиятга эга бўлган ўзгаришлар мавжудлиги ва бу ўзгаришлар иммобилизация турига ва пародонт тўқималаридаги яллиғланиш жараёнларининг оғирлик даражасига боғлиқлиги аниқланди (8-расм).



8-расм. Турли хил иммобилизация усуллари билан даволашда пастки жағ синиши мавжуд бўлган болаларда ЛДФ маълумотларига кўра пародонт микроциркуляцияси индексларининг динамикаси

Болалардаги пастки жағ синишларини даволашда ултратовушли остеометрия 120 ± 36 кГц тебранишли частотада амалга оширилди. Аппаратнинг маълумотни узатувчи диагностик бошчаси нуқсондан дисталда жойлашган пастки жағ

фрагментига ўрнатилди ва қабул қилувчи бошча проксимал томонда жойлаштирилди. Датчиклар орасидаги масофа 94,0 мм. ни ташкил этди.

Даволаниш бошланишидан олдин текширилаётган барча гуруҳларда ултратовушли тебранишларнинг ўтиш вақти иммобилизациягача $2197,9 \pm 2,8$ м/сек. ва иммобилизациянинг сўнгги кунда $2465,1 \pm 4,6$ м/сек.ни ташкил қилганлиги аниқланди ($p < 0,05$). Иммобилизацияловчи конструкциялар ечиб олиб ташланганидан сўнг, анъанавий усул ёрдамида иммобилизация қилинган 1-гуруҳда шикастланиш томонидаги ултратовуш ўтказилиш вақти бошқа гуруҳлардагига қараганда паст кўрсаткичларга эга бўлди.

Биохимик кўрсаткичларни аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижасида пастки жағ синиши мавжуд бўлган 3-5 ёшдан 6-12 ёшгача бўлган болаларда даволанишдан олдин ишқорий фосфатаза (ИФ) фаоллиги ва қон зардобидаги ноорганик фосфор даражаси соғлом болалар гуруҳига қараганда юқорилиги аниқланди ($p < 0,05$).

Пастки жағ синиши мавжуд 3-5 ва 6-12 ёшли болаларда остеокалцин (ОК) даражаси шу ёшдаги соғлом болаларга қараганда анча паст бўлгани аниқландию. Умуман олганда, пастки жағ синишлари мавжуд бўлган болалар қон зардобида ОК даражаси меъёрдан паст бўлди.

3-5 ва 6-12 ёшли болаларда пастки жағ синишларини даволашдан олдин (шунингдек, даволаниш пайтида-иммобилизациянинг 14-кунда ва иммобилизация қилувчи тузилмаларни олиб ташлаганидан кейин) ионланган калций даражаси соғлом болалар гуруҳига қараганда сезиларли ўзгаришларга эга бўлмади ($p > 0,05$).

Шу билан бирга, биринчи гуруҳи беморларида (Тигерштедт шиналари ёрдамида анъанавий даволаш усулида) катта ёшдаги болалар гуруҳи қон зардобидаги ОК даражаси (соғлом болалар гуруҳида бўлгани каби) анча юқори бўлди, ноорганик фосфор концентрацияси, аксинча, 3-5 ёшли болаларга қараганда паст эканлиги аниқланди ($p < 0,05$).

Иммобилизациянинг 14-кунда пастки жағ синиши мавжуд болаларда биокимёвий қон текширувлари таҳлили шуни кўрсатдики, 2, 3 ва 4-гуруҳ беморларида (3-5 ва 6-12 ёшли болаларда) қондаги ОК миқдори 1-гуруҳ беморларига нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлди ($p < 0,05$). Шунингдек, даволанишнинг ушбу босқичида қон зардобидаги ОК концентрациясининг (2, 3 ва 4-гуруҳларнинг 3-5 ёшли болаларида ва 1-гуруҳдаги 6-12 ёшли болаларда) даволашдан олдинги қийматларга нисбатан пасайиши аниқланди ($p < 0,05$).

Болаларнинг қон зардобидаги ишқорий фосфатаза фаоллиги юқорилигича қолди ва беморларнинг алоҳида гуруҳлари ўртасида, шунингдек даволанишдан олдинги босқичга нисбатан сезиларли фарқ қилмади. Болалар қонидаги ионланган калций даражаси ҳам сезиларли ўзгаришларга дуч келмади, бироқ 3-5 ёшли 2, 3 ва 4-гуруҳ болалари ушбу кўрсаткич даволашдан олдинги кўрсаткичларга нисбатан анча паст бўлгани аниқланди ($p < 0,05$). 3-5 ёшли болаларнинг қонида ноорганик Р миқдори юқорилигича қолди, лекин 2, 3 ва 4-гуруҳлардаги 3-5 ёшли болаларда олдинги текширув босқичига қараганда пастроқ кўрсаткичга эга бўлди ($p < 0,05$). Шу билан бирга, 2, 3 ва 4-гуруҳлар кичик ёшдаги болаларида бу кўрсаткич 1-гуруҳга қараганда анча кам ($p < 0,01$), мактаб ёшидаги болаларда эса,

аксинча, анъанавий усул билан иммобилизация қилинган болалардаги кўрсаткичдан анча юқори бўлди.

Даволашнинг охири кунида пастки жағ синишлари бўлган болаларда қоннинг биокимёвий таҳлили шуни кўрсатдики, 2, 3 ва 4 -гурӯхли беморларда қондаги ОК миқдори ҳали ҳам 1-гурӯх беморларига қараганда юқори эканлиги аниқланди ($p < 0.01$).

Шу билан бирга, 1-гурӯх болаларида ОК миқдори иммобилизациядан олдинги босқичга нисбатан камайган, қолган уч гурӯхда эса кўрсатилган даврга нисбатан аниқ оғиш бўлмаган, лекин 6-12 ёшли болаларда иммобилизациянинг 14-кунидаги кўрсаткич қийматидан пастроқ бўлган ($p < 0,01$). Барча гурӯх болаларининг қон зардобидида ишқорий фосфатаза миқдори, ёшидан қатъий назар, олдинги босқичларга нисбатан камайди, бироқ нормадан юқорилигича қолди.

Қонда ионланган калцийнинг миқдори ёш нормаси доирасида ўзгариб туриши кузатилди, бироқ 2, 3 ва 4-гурӯхлардаги 3-5 ёшли болаларда иммобилизация бошланишидан олдинги босқичга нисбатан паст бўлди ($p < 0,05$). Барча даволаш гурӯхларида қондаги ноорганик Р таркиби иммобилизациядан олдинги ва даволашнинг 14-кунларига қараганда пастроқ бўлди, аммо нормал кўрсаткичлардан нисбатан юқорилигича қолди.

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, пародонт тўқималарида яллиғланиш жараёнлари қоннинг биокимёвий параметрларидаги ўзгаришларга олиб келади, бу эса ўз навбатида болаларда пастки жағ синишларини даволашда суяк метаболизмининг ҳолатига ва синик суяк бўлақлари консолидацияси сифатига таъсир қилади. Биокимёвий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, тақлиф қилинган иммобилизация усуллари қўлланилганда синик суяк бўлақларининг тўлиқ консолидацияси учун етарли адекват шароитлар яратилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Ретроспектив таҳлил натижаларига кўра, болалар юз-жағ суяklarининг синишлари орасида 67,2% ҳолларда (n=509) пастки жағнинг синишлари кузатилган бўлиб, локализацияси бўйича пастки жағ танаси соҳасидаги синишлар юқори кўрсаткичга эга бўлди.

2. Иммобилизация қилишнинг аёвчи усулларида фойдаланилганда, оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолатининг бузилиши, пародонт мажмуаси тўқималаридаги яллиғланиш жараёнлари Тигерштедт шиналари ёрдамида анъанавий иммобилизация усулига нисбатан кам даражада кузатилади; Динамикада оғиз бўшлиғининг стоматологик индекслари шуни кўрсатдики, 1 гуруҳ беморларида иммобилизациядан 2 ҳафта ўтгач ФВГИ $3,9 \pm 0,19$ балл, РМА - $45,1 \pm 2,65\%$, ПИ - $1,4 \pm 0,04$ баллни ташкил этди. Шу билан бирга, 4 гуруҳ беморларида сезиларли даража қониқарли кўрсаткичлар аниқланди: ФВГИ - $2,4 \pm 0,08$ балл, РМА - $32,1 \pm 1,38\%$ ва ПИ - $0,8 \pm 0,03$ баллни ташкил этди. Тадқиқот давомида пастки жағ синишлари мавжуд бўлган болаларда микроциркуляция самарадорлиги кўрсаткичи барча ёш гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан 1,2 баравар паст бўлганлиги кузатилди. ЛДФ маълумотларига кўра пародонт микроциркуляция кўрсаткичи 1 ва 2 гуруҳ болаларида мос равишда 1,5 ва 0,8 ш.б.га камайди, 3 ва 4 гуруҳ болаларида, аксинча, 0,6 ва 0,7 ш.б.га ошди.

3. Паратиреоид гормони, кортизол, калцитонин ва остеокалцин даражасини ўрганиш анъанавий даволаш усулига нисбатан иммобилизациянинг аёвчи усулларида пародонт тўқималаридаги яллиғланиш белгиларининг камайганлигини ва суяк метаболизми ҳолатининг яхшиланганини тасдиқлади. Шундай қилиб, 4 гуруҳ беморларини даволаш динамикасида ПТГ даражасининг $1,29$ пг/мл га ва кортизолнинг $19,8$ нмол/л.га камайиши фонида КТ ҳамда ОК концентрациясининг $12,26$ нг/мл га ошиши кузатилади. Тигерштедт шиналари билан иммобилизация қилинганда, аксинча, иммобилизациянинг охири кунида ПТГ концентрациясининг ошиши ҳамда КТ ва ОК концентрациясининг пасайиши кузатилади. 1 гуруҳда, иммобилизациянинг охири кунида синиш зонасидаги суяк зичлиги бошқа гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан паст бўлди ва $2465,1 \pm 4,6$ м/сек., 2 гуруҳда $2496,3 \pm 2,8$ м/сек., 3 гуруҳда $2558,2 \pm 4,5$ м/сек. ва 4 гуруҳда $2636,2 \pm 3,3$ м/сек.ни ташкил қилди.

4. Болаларда пастки жағ синишларини даволашда мини винтлар ва нурда қотувчи композит пломба ашёлари ёрдамида иммобилизация усуллари кўллаш оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасининг ошишига, пародонт тўқималарининг микроциркуляцияси ҳолатига, суяк метаболизмига, пародонт тўқималарининг анатомо-функционал бутунлигини сақлаб қолишга шароит яратади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc04/30.12.2019.Tib.59.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
СТОМАТОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

МУСАЕВ ШАМШОДБЕК ШУХРАТОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА МЕТОДОВ ИММОБИЛИЗАЦИИ
ЧЕЛЮСТЕЙ ПРИ ПЕРЕЛОМАХ НИЖНЕЙ ЧЕЛЮСТИ У ДЕТЕЙ**

14.00.21 – Стоматология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТОШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.1.PhD/Tib774.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tsdi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Шомуродов Кахрамон Эркинович
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Фоменко Ирина Валерьевна
доктор медицинских наук, профессор
(Россия, Волгоград)

Боймуратов Шухрат Абдужалилович
доктор медицинских наук, профессор
(Республика Узбекистан)

Ведущая организация:

Кубанский государственный медицинский университет (Россия)

Защита диссертации состоится «___» _____ 2021 г. в ___ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.59.01 при Ташкентском государственном стоматологическом институте. (Адрес: 100047, г.Ташкент, Яшнобадский район, улица Махтумкули, дом 103. Тел.: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: uzmedicine@mail.ru).

С диссертацией (PhD) можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного стоматологического института (зарегистрирована за № ___). Адрес: 200118, г. Тошкент, улица Махтумкули, 103 Тел.: (+99871) 230-20-65; e-mail: uzmedicine@mail.ru; факс: (+99871) 230-47-99.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2021 года).

Н.К. Хайдаров

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

Л.Э. Хасанова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

У.А. Шукурова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день лечение травм челюстно-лицевой области остается одной из самых актуальных проблем стоматологии. Известно, что переломы нижней челюсти у детей и их осложнения имеют свои особенности. По литературным данным, «...особенностям переломов нижней челюсти у детей относятся наблюдение переломов по типу «зеленой ветки», минимальная степень смещения переломов за счет толщины надкостницы, крайне редкое применение хирургических методов лечения и по строгим показаниям за счет имеющегося риска повреждения зон роста нижней челюсти, неудобства и трудности при использовании назубных проволочных шин из-за неполного формирования анатомической области шейки молочных зубов у детей...»³. Из года в год частота травматических повреждений и частота осложнений после лечения во всем мире быстро растут, что, в свою очередь, указывает на необходимость улучшения методов лечения и профилактики осложнений.

В последние годы наблюдается рост тяжести травм челюстно-лицевой области из-за увеличения количества дорожно-транспортных происшествий, детских игровых площадок и роликовых катальных аппаратов по всему миру. В настоящее время пациенты с травмами лица составляют 30% от числа пациентов, проходящих лечение в стационарах. По данным российских исследователей частота травматизма челюстно-лицевой области у детей составляет 10 на 1000 детского населения (Корсак А.К., 2007; Иванова М.С., Александрова Е.Г., 2018). Повышение частоты травматических повреждений и постпроцедурных осложнений среди детей, разработка современных, менее травматичных и эффективных методов лечения пациентов с данной патологией, профилактика травматических повреждений у детей, осуществление профилактики осложнений, наблюдаемых во время и после лечения травм остается приоритетом научных исследований.

Программа развития медицинской сферы нашей страны ставит задачи, направленные на адаптацию медицинской системы к требованиям мировых стандартов, снижению риска развития осложнений при лечении переломов нижней челюсти, в том числе воспалительных заболеваний тканей пародонта среди детей. В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, при поднятии уровня медицинских услуг на новый уровень решаются такие задачи, как «...повышение удобства и качества специализированных медицинских услуг, дальнейшее реформирование системы экстренной и неотложной помощи, профилактика инвалидности...»⁴. Это, в свою очередь, определяет внедрение малотравматичных методов иммобилизации тканей пародонта в лечение

³ Корсак, А.К., Кушнер, А.Н., Терехова, Т.Н., Зенькевич, Ю.В. Детская хирургическая стоматология // Минск: 2013, С.528

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года.

переломов нижней челюсти у детей и профилактику воспалительных заболеваний тканей пародонта у детей как одно из актуальных научных направлений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Государственной программе, утвержденной Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по кардинальному совершенствованию система здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, Постановлениями Президента Республики Узбекистан №ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию оказания специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 20 июня 2017 года и №ПП-3440 «Раннее выявление врожденных и наследственных заболеваний у детей в 2018-2022 гг.» от 29 декабря 2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

